

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

**БОШ МУҲАРРИР:**

**Гулямов Сайдилла Саидахарович** - юридик  
фанлари доктори, профессор.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:**

**Мухамеджанов Аманулла Закирович** - ю.ф.д.,  
ТДЮИ Ректори (Раис)

**Рустамбоев Мирзаюсуф Ҳакимович** - ю.ф.д.,  
профессор.

**Раҳмонқулов Хожи-Ақбар Раҳмонқулович** -  
ю.ф.д., акад., ТДЮИ "Халқаро хусусий ҳуқуқ"  
кафедраси профессора

**Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович** - ю.ф.н.

**Жамол Ҳахтияр Уроқович** - Ўзбекистан Рес-  
публикаси Жиззах вилояти Прокурори

**Икромов Музроб Муборахжўаевич** - Ўзбекистан  
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ходими

**Оқюлов Омонбой** - ю.ф.д., ТДЮИ "Ҳўжалик  
ҳуқуқи ва жараёни" кафедраси профессори

**Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович** - ю.ф.н.,  
ТДЮИ «Ёш олимлар кенгаши» район.

**Турсунова Гулнора Нигматуллаевна** - ф.ф.н.,  
ТДЮИ халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

**Мр.Клаус Шмитц** - қонунчилик бўйича Европа  
этаки эксперт

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш  
сўралади:

**Гулямов Сайдилла Саидахарович,  
Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович**  
ТДЮИ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,  
Ўзбекистан Республикаси, Тошкент ш., 100047,  
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: 233-43-59

"Ўзбекистан қонунчилиги таҳлили"нинг электрон  
нусхаси Интернетдаги [www.tsil.uz](http://www.tsil.uz) сайтида  
жойлаштирилган.

**Журнал 2004 йилдан Ўзбекистан Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация  
комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.**

Мазкур журнал Европа Иттифоқи кўмагида тайёр-  
ланди. Мазкур журнал га Юридик клиника ва ГТЗ масъул  
ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда баён этилган натижалар,  
хулосалар, таққинлар уларнинг муаллифларига тегишли  
бўлиб, Ўзбекистан ёки Европа Иттифоқи ҳуқуматлари  
сиёсати ёки фи крин и акс эттирмайди.

2012 йилда нашр этилди.

Муаффиқлик ҳуқуқлари Юридик клиникага, Тошкент  
Давлат юридик институтам тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимоя-  
ланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш  
ва кўпайтириш Юридик клиника руҳсати билан амапга  
оширилади. Ушбу масалалар бўйича Юридик клиникага  
муурожаат этилади. Ўзбекистан Республикаси, Тошкент ш.,  
100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: 232-27-08, 233-43-59.

ISSN 2010-9067

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**  
Нашриёт муҳаррири: **Б.И. Кнопов**  
Техник муҳаррир: **Ж.Ж. Ходжимухамедов**  
Лицензия № 02-84  
Бос и ш га руҳсат этилди - 08.10.2012  
Нашриёт ҳисоб табағи - 10,25  
Босмаҳонада босилди  
Адади - 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
ЖУРНАЛ**

**3/2012**

**МУНДАРИЖА**

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ**

<b>Н. Раҳмонқулова</b> Ўзбекистан Республикаси ва хорижий мамлакатлар қонунчилигида никоҳдан ажратишнинг моддий-ҳуқуқий асослари.....	<b>5</b>
<b>М. Ҳакимов</b> Муаффиқлик ҳуқуқларини мерос тариқасида ўтишининг айрим масалалари....	<b>7</b>
<b>М. Маматқулов</b> Халқаро хусусий ҳуқуқда деликтдан кели б чиқувчи мажбуриятларни тартибга солиш усуллари ва муаммолари.....	<b>11</b>
<b>Х. Абдурахмонова</b> Ўзбекистан Республикасида чет элдан алиментларни ундиришни ҳуқуқий тартибга солиш.....	<b>15</b>
<b>М. Аллаярова</b> Оила аъзоларнинг уй-жойга нисбатан ҳуқуқи.....	<b>19</b>
<b>Ш. Тухташова</b> Ота-она ва болаларнинг воя га етмаганлар хусусий мулки билан боғлиқ мулкрий-ҳуқуқий муносабатлари.....	<b>23</b>
<b>Ш. Туляганова</b> Ҳўжалик ширкатлари ва жамиятларида иштиок этиш билан боғлиқ ҳуқуқларни мерос сифатида ўтиши.....	<b>26</b>
<b>Х. Салихов</b> Хавфли юкларни хаво орқали ташишларнинг ўзига хослиги.....	<b>32</b>
<b>М. Хайитов</b> Ота-оналик ҳуқуқини амапга ошириш мезонлари ва оилавий ҳуқуқий маданият.....	<b>36</b>
<b>Ф. Акрамов</b> Кўчмас мулкка нисбатан эгаллик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатни қўллашнинг коллизия масалалари.....	<b>39</b>

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ**

<b>Х. Қўчқоров</b> Назорат инстанция суди иштирокчиларининг процессуал қоқоми.....	<b>42</b>
<b>Ш. Ҳўжаев</b> Англосаксон жиноят ҳуқуқ тизими тўғрисида.....	<b>45</b>

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

<b>С. Гулямов</b> Халқаро савдо шартномаларида жавобгарликдан озод қилиш масалалари.....	<b>47</b>
<b>Б. Самарходжаев</b> Инвестиция ҳуқуқи тушунчаси, предмента, метод ва функциялари.....	<b>49</b>
<b>Р. Бозоров</b> Таджикистан Республикаси инвестиция қонунчилигини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарликтушунчаси ватурлари.....	<b>53</b>
<b>И. Рустамбеков</b> Халқаро савдо муносабатларида низолар ва уларни ҳал қилишнинг умумий тамойиллари.....	<b>55</b>
<b>Д. Пайзиева</b> Халқаро ҳуқуқда индивидларни ҳуқуқ субъекта сифатида эътироф этишга нисбатан асосий назарий ёндашувлар.....	<b>57</b>
<b>М. Ахадова</b> Ўзбекистан Республикасида чет эл сармояларининг субъектаари.....	<b>59</b>
<b>К. Дастамов</b> Чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлашнинг айрим муаммолари.....	<b>62</b>
<b>Д. Маҳкамова</b> Халқаро тижорат арбитражи: маҳияти ва аҳамияти.....	<b>64</b>

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ**

<b>С. Ақобиров</b> Ўзбекистан Республикасида давлат-хусусий ҳамкорлик.....	<b>66</b>
<b>Р. Кенжаев</b> Давлат ва жамият бошқарувида инсон ва бола ҳуқуқларининг айрим масалалари.....	<b>68</b>
<b>Ж. Низамов</b> Бола ҳуқуқлари бузилишларининг баъзи шаклларини олдини олишга оид айрим мулоҳазалар.....	<b>70</b>
<b>Д. Садуллаев</b> Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олишнинг маъмурий жараёнлари.....	<b>72</b>

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲУҚУҚИ**

<b>Г. Саматова</b> Аудиовизуал асарлар - интеллектуал мулкнинг объекта сифатида.....	<b>74</b>
<b>Қ. Мехмонов</b> Компьютер дастурларидан фойдаланишда лицензия шартномаси ва бошқа шартномавий ҳуқуқий конструкциялар нисбати.....	<b>77</b>

**EDITORIAL BOARD**

**GENERAL MANAGER:**

**Dr. Gulyamov Saydilla** - Professor, doctor of sciences in Law.

**MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:**

**Mr. Muhamedjanov Amanulla** - The Rector of TSIL (Chairman)

**Rustambayev Mirzayusuf** - Professor.

**Acad. Rakhmankulov Hodji-Akbar** - Professor of Department "International Private Law"

**Mr. Ismoilov Nurdinjon** - PhD in Law.

**Mr. Jamolov Bahtiyor** - The Procurator of the Jizzakh region of the Republic of Uzbekistan

**Mr. Ikramov Muzrob** - PhD in Law.

**Dr. Okyulov Omonboy** - Prof. of Tashkent State Institute of Law

**Mr. Rustambekov Islambek** - PhD in Law, Chairman of the Board of Young Scientists of TSIL.

**Mrs. Tursunova Gulnara** - PhD in Law, chief of international Department of TSIL

**Mr. Klaus J. Schmitz** - Key Expert SIPCA III for Justice and Home Affairs

For further information please contact:

**Mr. Gulyamov Saydilla,**  
**Mr. Rustambekov Islambek**

35, Sayilgoh Street, TSIL, Department of "International Private Law", Tashkent,  
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-43-59

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at [www.tsil.uz](http://www.tsil.uz)

**The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2004.**

This journal has been produced with the assistance of the European Union. The contents of this publication are the sole responsibility of the Legal Clinic and GTZ. The findings, conclusions and interpretations expressed in the document are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the European Union.

Published in 2012.

Copyright by Law Clinic, Tashkent State Institute of Law of Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Law Clinic, TSIL, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan. Tel: 232-27-08; 233-43-59.

ISSN 2010-9067

General Secretary: **I.R. Rustambekov**  
Publishing editor: **B.I. Knopov**  
Technical editor: **J.J. Hodjimuhamedov**

License No. 02-84  
Authorized to issue - 08.10.2012  
Bulk - 10,25  
Printed in Printhouse  
Number of copies - 100

**SCIENTIFIC-ANALYTICAL JOURNAL**

3/2072

**CONTENTS**

**CIVIL LAW**

<b>N. Rahmonqulova</b> Material and Legal Bases of Divorce in the Republic of Uzbekistan and Foreign Countries .....	<b>5</b>
<b>M. Hakimov</b> Some Questions of Inheritance of Copyright.....	<b>7</b>
<b>A. Mamatqulov</b> Methods and Problems of Regulation of Obligations Owing to Delicts in the International Private Law.....	<b>11</b>
<b>H. Abdurakhmonova</b> Legal Regulation of Collecting the Alimony from Abroad in the Republic of Uzbekistan .....	<b>15</b>
<b>M. Allayarova</b> The Ownership Rights of Family Members.....	<b>19</b>
<b>Sh. Tuqtashova</b> Property Legal Relationship Between Parents and Children of the Minors Connected with a Private Property.....	<b>23</b>
<b>Sh. Tulyaganova</b> Inheritance of the Rights Connected with Participation in Economic Associations and Societies.....	<b>26</b>
<b>X. Salihov</b> Features of Air Transportation of Dangerous Freights.....	<b>32</b>
<b>M. Hayitov</b> Criteria of Implementation of the Parental Rights and Family and Legal Culture.....	<b>36</b>
<b>F. Akramov</b> Conflict Questions of Application of Term of Emergence of the Property Right to Real Estate.....	<b>39</b>

**CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS**

<b>H. Kuchkarov</b> Procedural Status of Participants of Court of Supervising Instance.....	<b>42</b>
<b>Sh. Hujaev</b> About system of Anglo-saxon Criminal Law.....	<b>45</b>

**INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS**

<b>S. Gulyamov</b> Questions of Release from Responsibility in the International Trade Treaties.....	<b>47</b>
<b>B. Samarhodjaev</b> Concept, subject, methods and functions of the investment right.....	<b>49</b>
<b>R. Bozorov</b> Concept and Types of Legal Responsibility for Violations of the Investment Legislation of the Republic of Tajikistan.....	<b>53</b>
<b>I. Rustambekov</b> Disputes in the International Trade Relations and the General Principles of their Permission.....	<b>55</b>
<b>D. Payzieva</b> The Main Theoretical Views of Recognition of Individuals as Subjects in International Law.....	<b>57</b>
<b>M. Ahadova</b> The subjects of Foreign Investment in the Republic of Uzbekistan.....	<b>59</b>
<b>K. Dastamov</b> Some Problems of Determination of Value of Foreign Rules of Law.....	<b>62</b>
<b>D. Mahkamova</b> International Commercial Arbitration: Essence and Value.....	<b>64</b>

**STATE AND LAW**

<b>S. Akobirov</b> State-private Partnership in the Republic of Uzbekistan.....	<b>66</b>
<b>R. Kenjaev</b> Some Questions of Human Rights and the Child in the Public and Public Administration.....	<b>68</b>
<b>J. Nizamov</b> Questions of Prevention of Some Types of Violation of the Rights of Children.....	<b>70</b>
<b>D. Sadullaev</b> Administrative Procedures of Withdrawal of the Land Plots for the State and Social Needs: Theory and Practice.....	<b>72</b>

**INFORMATION TECHNOLOGIES LAW**

<b>G. Samatova</b> Audiovisual Works as Object of Intellectual Property.....	<b>74</b>
<b>Q. Mehmonov</b> Ratio of the License Contract and other Contract and Legal Designs in Use of Computer Programs.....	<b>77</b>

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**

**ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:**

**Гулямов Сайдилла Саидахарович** - доктор юридических наук, профессор.

**ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:**

**Мухамеджанов Аманулла Закирович** - д.ю.н., Ректор ТГЮИ (Председатель)

**Рустамбаев Мирзаюсуф Хакимович** - д.ю.н., профессор.

**Рахманкулов Ходжи-Акбар Рахманкулович** - д.ю.н., акад., профессор кафедры "Международное частное право" ТГЮИ

**Исмаилов Нурдинжон Муйдинханович** - к.ю.н.

**Жамолов Бахтиер Уракович** - Прокурор Жиззакской области Республики Узбекистан

**Икрамов Музроб Муборакхужаевич** - начальник Управления Кабинета Министров Республики Узбекистан

**Окюлов Омонбой** - д.ю.н., профессор кафедры "Хозяйственное право и хозяйственный процесс" ТГЮИ

**Рустам беков Исламбек Рустамбекович** - к.ю.н., Председатель «Совета молодых ученых» ТГЮИ.

**Турсунова Гулнара Нигматуллаевна** - к.ф.н., начальник отдела международных отношений ТГЮИ

**Мр.Клаус Шмитц** - главный эксперт проекта по юриспруденции

Для получения информации просим обращаться:

**Гулямов Сайдилла Саидахарович,**  
**Рустам беков Исламбек Рустамбекович**  
ТГЮИ, кафедра МЧП,  
Республика Узбекистан, Ташкент, 100047,  
ул.Сайилгох, 35. Тел.: 233-43-59.

Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте:

[www.isil.uz](http://www.isil.uz)

**Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2004 г.**

Журнал был подготовлен при содействии Европейского Союза. За содержание журнала ответственны ЮК и ГТЗ. Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения правительства Республики Узбекистан или Европейского Союза.

Опубликовано в 2012 г.

Авторские права принадлежат Юридической Клинике, Ташкентскому Государственному юридическому институту Министерства юстиции Республики Узбекистан. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Юридической клиники. По вопросам воспроизведения обращаться в Юридическую клинику. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35. Тел.: 232-27-08; 233-43-59.

ISSN 2010-9067

Ответственный секретарь: **И.Р. Рустамбеков**  
Издательский редактор: **Б.И. Кнопов**  
Технический редактор: **Ж.Ж. Ходжимухамедов**  
Лицензия № 02-84  
Подписано к печати - 08.10.2012  
Уч.- изд. лист. - 10,25  
Отпечатано в типографии  
Тираж - 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ .  
ЖУРНАЛ**

**3/ZU7Z**

**СОДЕРЖАНИЕ**

**ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО**

<b>Н. Рахманкулова</b> Материально-правовые основы расторжения брака в Республике Узбекистан и зарубежных странах.....	<b>5</b>
<b>М. Хакимов</b> Некоторые вопросы наследования авторских прав.....	<b>7</b>
<b>А. Маматкулов</b> Методы и проблемы регулирования обязательств вследствие деликтов в международном частном праве.....	<b>11</b>
<b>Х. Абдурахманова</b> Правовое регулирование взыскания алиментов из за рубежа в Республике Узбекистан.....	<b>15</b>
<b>М. Аллаярова</b> Жилищное право членов семьи.....	<b>19</b>
<b>Ш. Тухташова</b> Имущественные правоотношения между родителями и детьми связанных с частной собственностью несовершеннолетних.....	<b>23</b>
<b>Ш. Туля ганова</b> Наследование прав, связанных с участием в хозяйственных товариществах и обществах.....	<b>26</b>
<b>Х. Салихов</b> Особенности воздушной перевозки опасных грузов.....	<b>32</b>
<b>М. Хайитов</b> Критерии осуществления родительских прав и семейно-правовая культура....	<b>36</b>
<b>Ф. Акрамов</b> Коллизионные вопросы применения срока возникновения права собственности на недвижимое имущество.....	<b>39</b>

**УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС**

<b>Х. Кучкаров</b> Процессуальный статус участников суда надзорной инстанции.....	<b>42</b>
<b>Ш. Хужаев</b> О системе англосаксонского уголовного права.....	<b>45</b>

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ**

<b>С. Гулямов</b> Вопросы освобождения от ответственности в международных торговых договорах.....	<b>47</b>
<b>Б. Самарходжаев</b> Понятие, предмет, методы и функции инвестиционного права.....	<b>49</b>
<b>Р. Бозоров</b> Понятие и виды юридической ответственности за нарушения инвестиционного законодательства Республики Таджикистан.....	<b>53</b>
<b>И. Рустамбеков</b> Споры в международных торговых отношениях и общие принципы их разрешения .....	<b>55</b>
<b>Д. Пайзиева</b> Основные теоретические взгляды на признание индивидов как субъектов в международном праве.....	<b>57</b>
<b>М. Ахадова</b> Субъекты иностранного инвестирования в Республике Узбекистан.....	<b>59</b>
<b>К. Дастанов</b> Некоторые проблемы определения значения иностранных правовых норм.....	<b>62</b>
<b>Д. Махкамова</b> Международный коммерческий арбитраж: сущность и значение.....	<b>64</b>

**ТЕОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА**

<b>С. Ақобиров</b> Государственно-частное партнерство в Республике Узбекистан.....	<b>66</b>
<b>Р. Кенжаев</b> Некоторые вопросы прав человека и ребенка в государственном и общественном управлении.....	<b>68</b>
<b>Ж. Низамов</b> Вопросы предотвращения некоторых видов нарушения прав детей.....	<b>70</b>
<b>Д. Садуллаев</b> Административные процедуры изъятия земельных участков для государственных и общественных нужд: теория и практика.....	<b>72</b>

**ПРАВО ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

<b>Г. Саматова</b> Аудиовизуальные произведения как объект интеллектуальной собственности	<b>74</b>
<b>Қ. Мехмонов</b> Соотношение лицензионного договора и других договорно-правовых конструкций в использовании компьютерных программ.....	<b>77</b>

**С.С. Гулямов**  
Юридик фанлар доктори, профессор

### ХАЛҚАРО САВДО ШАРТНОМАЛАРИДА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Баъзан тарафлар фавқулодда ҳоллар ёки ҳуқуқий воқеа-ҳодисалар юз бериши оқибатида (масалан, маҳсулот етказиб берувчининг ишлаб чиқариш корхонаси ёнғин туфайли нобуд бўлса ёки товар етказиб берилиши БМТ мазкур мамлакатга мол олиб киришни тақиқлагани туфайли мумкин бўлмай қолса, ёхуд хомашёни қатъий белгиланган нархларда етказиб бериш юзасидан шартнома тузилганидан сўнг ушбу хомашёга нисбатан жаҳон нархларининг кескин ва кўп миқдорда ошиб кетиши туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлса-ю, аммо тарафлардан бири учун фавқулодда қийинчиликларни юзага келтирса ва бошқалар) ўз мажбуриятларини бажаришлари мумкин бўлмай қолади. Бундай вазиятларда шартномада белгиланган нархларда хомашё етказиб бериш бир томон учун ҳалокатли бўлиши мумкин.

Юқориди қайд этилган ва шартноманинг бажарилишини қийинлаштирадиган ёки умуман мумкин эмас қилиб қўядиган бундай ҳолатлар муайян давлат қонунчилигида ҳамда халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларида тартибга солинади.

Жумладан, Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасида кўрсатилишича, "башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишида мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф мажбуриятни лозим даражада бажаришига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздор шерикларининг мажбуриятларни бузиши, зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг йўқлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди.

Мажбуриятни қасддан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган битим тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди".

Мажбуриятни бажариб бўлмаслик жавобгарликдан озод қилишнинг умумий шарт-шароити бўлиб ҳисобланади. Ушбу шарт-шароитлар ҳуқуқ назариясида бир неча гуруҳларга бўлинувчи турли сабаблардан келиб чиқиши мумкин. Улар жумласига енгиб бўлмас кучлар ҳам киради. Енгиб бўлмас куч ни қуйидагича таърифлаш мумкин: енгиб бўлмас куч - юз беришини олдиндан кўра-билиш мумкин бўлмаган ташқи ҳолатҳисобланадиган фавқулодда ҳодиса.

Енгиб бўлмас куч ҳисобланувчи қуйидаги ҳолатлар гуруҳларини кўрсатиш мумкин.

Табиий офатлар - анъанага кўра жавобгарликдан озод қилишнинг тарихий жиҳатдан энг қадимий асосларидан бири. Уларнинг ажратилиши Рим ҳуқуқи билан боғлиқ. Бундай табиий офатлар қаторига сув тошқинлари, бўронлар, яшин уриши, зилзила, юқумли касалликлар эпидемияси кабилар киради. Англо-америка ҳуқуқида бундай ҳолатларда "Act of God" ("Тангрининг иродаси") атамаси ишлатилади.

Ҳарбий ҳаракатлар (лотинча - Vis armata). Ушбу ҳолат ҳам етарли даражада қадимий ҳуқуқий анъаналарга эга. Ҳарбий ҳаракатлар деганда, одатда эълон қилинган ва эълон қилинмаган урушлар, фуқаролик урушлари ва инқилоблар, исён ва

қўзғолонлар тушунилади. Англия ҳуқуқида бундай ҳолатларга нисбатан "Act of King's Enemies" ("қирол душманларинингҳаракати") атамаси ишлатилади.

Иш ташлашлар. Ушбу ҳодиса тез-тез юз бериб туриши туфайли учинчи ўринда тавсифланмоқда. Шунини қайд этиш лозимки, собиқ социалистик мамлакатларнинг қонунчилиги иш ташлашни олдини олиб бўлмайдиган кучлар жумласига киритмайди, чунки ушбу давлатларнинг ҳуқуқ тизимлари иш ташлаш бўлиши мумкин эмаслигига асосланган эди (уларда ушбу ҳодиса фақат капиталистик давлатларгагина хос деб ҳисобланган). Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари учун иш ташлашлар олдиндан кўриш мумкин бўлмаган ва олдини олиб бўлмайдиган ҳодисалардан ҳисобланади. Чунки корхона раҳбариятидан иш ташловчилар талабларини тўла қонундор ҳолда иш ташлашнинг олдини олишни талаб қилиш мумкин эмас (ушбу ҳолда гап сиёсий меҳнат-ҳуқуқий мажбуриятлар ҳақида эмас, балки фуқаровий-ҳуқуқий мажбуриятлар тўғрисида бормоқда). Муайян иш ташлаш қонун билан белгиланган таомил (процедура) доирасида (қонуний рухсат этилган ҳолда) ёки ғайриқонуний равишда ўтказилаётганлигининг ҳеч бир аҳамияти йўқ. Аксинча, ғайриқонуний ҳаракат фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари учун янада қўйилмаган ҳисобланади. Айтиш керакки, стихияли иш ташлашлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари учун кўпроқ хавф-хатар туғдиради ва уларнинг натижасида кўпроқ зарарли оқибатлар юзага келади. Шунга кўра, ғайриқонуний иш ташлашларни жавобгарликдан озод қилишга асос бўладиган олдини олиб бўлмас ҳодисалар таркибидан чиқариш мантиққа зид ҳисобланган бўлур эди.

Ишлаб чиқариш корхонасида юз берган авариялар. Бундай ҳодисалар жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида фақат истисно ҳоллардагина тан олинади. Фавқулодда ҳолатлар ёки табиий офатлар оқибатида юз берган ишлаб чиқаришдаги авариялар жавобгарликдан озод қилиш асоси деб топилиши мумкин. Аммо кичик авариялар юз берганда, айниқса бу авариялар эҳтиёт қисмлар йўқлиги, ускуналар эскилиги ва бошқа ҳолатлар туфайли юз берган бўлса ҳамда уларни ишлаб чиқарувчи олдиндан кўра билиши мумкин бўлса, у ҳолда ҳар қандай суд ёки арбитраж бундай ҳодисаларни енгиб бўлмас куч ва жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида эътироф этиши мумкин эмас.

Транспорт қийинчиликлари. Ушбу турдаги ҳолатлар алоҳида гуруҳни ташкил этмаслиги лозим, чунки улар ё табиий офатлар, ё давлат органларининг қарорлари натижасида юз беради (йирик транспорт фалокатлари юз берган ҳоллар бундан мустасно). Улар, шунингдек, олдини олиб бўлмайдиган ҳолат ҳисобланиши мумкин. Бироқ бу масала одатда бирмунча мунозаралидир. Чунки, масалан, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи мол ташиш йўналишини ўзгартириши орқали юз берган қийинчиликни четлаб ўтиш чораларини кўриши лозим бўлади. Шунини ҳисобга олиш керакки, сотувчи транспорт қийинчилиги юз берган пайтда (масалан, чегара ёпилган вақтда) сотишга мўлжалланган товарга эга эканлигини (шу пайтда товар унинг қўлида ҳақиқатда мавжудлигини) исботлаб бериши керак бўлади.

Давлат органларининг ҳужжатлари. Бу турдаги ҳолатлар жавобгарликдан озод қилиш асослари

ҳисобланувчи ҳолатларга дойр назарияларда алоҳида ўрин эгаллайди, чунки ушбу масалада етарлича қарама-қарши қарашлар мавжуд. Мазкур масала Франция доктринасида ҳар томонлама кенг ишлаб чиқилган, шу туфайли халқаро савдо муомаласига нисбатан олганда "Принцип хужжати" (fait duprince) деган француз атамасидан фойдаланиш мумкин. Даставвал ушбу атама билан давлат органларининг бир томонлама хужжатлари қамраб олинар эди. Кейинчалик ушбу хужжатлар қаторига миллатлараро хусусиятга эга бўлган органлар (масалан, БМТ) хужжатлари ҳам киритилди.

Мажбуриятларни бажариш мумкин эмаслиги экспортнинг тақиқланиши ёки давлат ёхуд халқаро ташкилотларнинг бошқа қарорлари (масалан, эмбарго қўлланилиши) туфайли юз бериши мумкин. Аммо турли давлатларнинг доимий фаолият юритувчи арбитраж органлари турлича қарашлар ва ёндашувларга эгадирлар. Шуни эсда сақлаш лозимки, олди олиб бўлинмайдиган кучлар муайян шартнома ижросига таъсир этадиган бўлсагина, жавобгарликдан оз од қилиш асоси деб тан олиниши мумкин.

Вазиятнинг фавқулдда тарзда ўзгариши концепцияси халқаро савдо ҳуқуқида лотинча *rebus sic stantibus* атамаси билан аталади. Ушбу атама лотинча "шартномалар бажарилиши шарт" деб аталувчи қатъий қондани юмшатишга қаратилган.

Шартномаларнинг бундай шартларига нисбатан ҳам кўпинча инглизча "hardship" атамаси қўлланилади.

Ушбу қондаларнинг татбиқ этилиши зарурати хўжалик муомаласи барқарорлигини айниқса ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз бераётган шароитда сақлаб туриш учун юзага келади, дегувчи айрим муаллифлар фикрига қўшилиш мумкин.

Мазкур қондани қўллашнинг асосий шarti вазиятнинг фавқулдда (жиддий равишда) ўзгариши ҳисобланади.

Вазиятнинг ўзгариши у таъсир этадиган предмета ёки юз берган ўзгариш хусусиятларига кўра таснифланиши мумкин. Баъзи бир ҳуқуқий тизимлар предмет асосида, бошқалари эса ўзгариш хусусиятларига кўра ажратилади.

Айтиш мумкинки, бу ҳолатлар тарафлардан бирининг мажбурияти бажарилиши учун фавқулдда қийинчиликлар келтириб чиқариш ёки бу мажбурият бажариладиган бўлса, ҳар икки томон учун катта зарар келтиришга сабаб бўлиши ҳамда ушбу ҳолатларнинг вужудга келиш эҳтимолини шартнома тузиш пайтида олдиндан кўриш мумкин эмаслиги бундай ҳолатларга ҳавола қилишнинг асосий шarti бўлиб ҳисобланади.

Халқаро савдо муомаласи амалиётида вазият фавқулдда тарзда ўзгаришининг қуйидаги кўринишлари тез-тез уч раб туради:

- шартнома тузиш пайтида мавжуд бўлган шарт-шароитнинг барҳам топиши (масалан, қарздор томонда шартноманинг бажарилишини жуда мураккаблаштирадиган даражадаги молиявий қийинчиликларнинг юз берганлиги);

- шартнома имзоланаётган пайтда мавжуд бўлмаган янги шарт-шароитнинг юзага келганлиги (масалан, ишлаб чиқариш технологиясининг тубдан янгиланиши, янги бож тарифларининг жорий этилиши, давлат сиёсатида юз берган ўзгаришлар туфайли жиддий чеклашларнинг жорий этилиши ва ҳ.к.).

Жавобгарликдан оз од қилишнинг биринчи ва аниқ шarti, энг аввало, энгиб бўлмас кучлар пайдо бўлиши фактининг ўзидир. Фақат шартнома тузилиб,

имзоланганидан кейин юз берган ҳолатларига мажбурият учун жавобгарликдан озод қилишнинг асоси (ижронинг кейинчалик мумкин бўлмай қолиши деб аталувчи ҳодиса) сифатида тан олиниши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар асосий мезонларга мувофиқ келгандагина жавобгарликдан озод қилишнинг асоси бўла олади, ушбу асосий мезон вазифасини энгиб бўлмас куч ҳисобланувчи ҳолат билан шартнома бажарилмасдан қолганлиги факти ўртасида мавжуд бўладиган сабабий боғланиш ўтайди.

Ушбу алоқадорлик бевосита бўлиши фараз қилинади. Арбитраж амалиётига кўра, агар ҳодиса шартномада назар тутилган муддат ўтганидан сўнг юз берган бўлса, бунда сабабий боғланиш узилган ҳисобланади. Шуни унутмаслик керакки, мажбуриятнинг бажарилишини кечиктирган қарздор ижро муддати ўтгандан кейин юз берган энгиб бўлмас ҳолатларга ҳавола қилиши ва шу асосда жавобгарликдан озод қилиниши мумкин эмас.

Энгиб бўлмас куч билан мажбуриятнинг бажарилмай қолиши ўртасида сабабий боғлиқлик мавжудлигини исботлаш қарздорнинг зиммасига юклатилган бўлиб, у шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажариш учун барча зарур чораларни кўрганлигини исботловчи далилларни, гарчи бундай уринишлар ижобий натижа бермаслиги олдиндан маълум бўлса-да, тақдим этиши лозим.

Жавобгарликдан озод қилишнинг учинчи асоси мажбуриятни бажариб бўлмаслигидир. Бу асос энгиб бўлмас кучлар билан боғлиқ бўлган ҳолатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик нормаларидан келиб чиқмайди, аммо адабиётларда ва арбитраж қарорлари амалиётида энгиб бўлмас ҳодисалар мажбуриятни бажаришга муайян тўсқинлик яратган бўлса, бу ҳол жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмаслиги ҳақидаги қарашлар қарор топган.

Халқаро савдо муносабатларидаги кўпчилик мажбуриятларга нисбатан мажбуриятнинг бажарилиши учун зарур барча шароитлар яратилишига (молиявий маблағлар мавжудлиги, хомашё, энергия, иш кучи, қайта ишловчилар имконияти, транспорт воситалари ва бошқалар) қарздор масъулдир деган қоида қўлланилади. Ушбу воситаларнинг йўқлиги ёки уларни олиб бўлмаслиги (башарти бу ҳол объектив тўсқинликлар билан боғлиқ бўлмаса) жавобгарликдан озод этишга асос бўладиган ҳолат бўлиб ҳисобланмайди. Агар бажариб бўлмаслик қарздорга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (воқеа, ҳодисалар) билан боғлиқ бўлса, юқорида санаб ўтилган асосларнинг бирига тааллуқли бўлади.